

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.ФМ/Т.02.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

НАБИЕВА НИГОРА АКБАРОВНА

**ДАЛА ШАРОИТИДА ҚУМЛИ ПРЕССИОМЕТР ЁРДАМИДА ЛОЙЛИ
ГРУНТЛАРНИНГ ДЕФОРМАЦИЯ ХУСУСИЯТЛАРИНИ АНИҚЛАШ
УСУЛЛАРИ**

01.02.03 – Грунтлар ва тоғ жинслари механикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Набиева Нигора Акбаровна

Дала шароитида қумли прессиометр ёрдамида лойли грунтларнинг
деформация хусусиятларини аниқлаш усуллари..... 5

Набиева Нигора Акбаровна

Полевые методы определения деформационных свойств
глинистых грунтов с использованием песчаного прессиометра 21

Nabieva Nigora Akbarovna

Field methods for determining the deformation properties of
clay soils using the sand pressiometer 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.ФМ/Т.02.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

НАБИЕВА НИГОРА АКБАРОВНА

**ДАЛА ШАРОИТИДА ҚУМЛИ ПРЕССИОМЕТР ЁРДАМИДА ЛОЙЛИ
ГРУНТЛАРНИНГ ДЕФОРМАЦИЯ ХУСУСИЯТЛАРИНИ АНИҚЛАШ
УСУЛЛАРИ**

01.02.03 – Грунтлар ва тоғ жинслари механикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Т1771 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хасанов Аскар Забиевич

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ишанходжаев Абдурахмон Асимович

техника фанлари доктори, профессор

Бузруков Закирё Саттиходжаевич

техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар DSc.03/30.12.2019.FM/Т.02.09 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ кунни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Университет хиёбони, 15. Тел./ факс: (66) 239 11 40, e-mail: sasu_info@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 Тел: (99866) 239-11-40; Факс: (99866) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.
(2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.И. Халмурадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

Х.М. Буранов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
физика-математика фанлари номзоди, доцент

Х. Худойназаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда амалга оширилаётган қурилишларнинг турли йўналишларида илмий изланишлар натижаларини ҳалқ хўжалигига татбиқ этиш, қурилиш самарадорлиги ва сифатини ошириш, шунингдек грунтларнинг деформация кўрсаткичларини тўғри ва кам харажатли қилиб аниқлашда дала усулларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун грунтларнинг деформация кўрсаткичларини аниқлашда дала ва лаборатория усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. 1970-йиллардан бошлаб ҳозирги кунгача АҚШ, Франция, Япония, Хитой, Россия Федерацияси ва бошқа ривожланган мамлакатларда дала шароитида грунтларнинг деформация кўрсаткичларини аниқлашда геотехник усуллар кенг қўлланиб келинмоқда. Бунинг сабаби шундаки, бу усул биринчидан, намуналарни лабораторияда синаш учун танлаб олишнинг иложи бўлмаган ҳолда грунтларнинг деформация кўрсаткичларини ўрганишга, иккинчидан, табиий структурага эга бўлган грунтларнинг механик хоссаларини табиий шароитда аниқлашга имкон бергани учун бу усулларни амалиётга жорий қилишни тақозо қилади. Шу жиҳатдан лаборатория шароитида грунтларнинг бу хусусиятларини камроқ харажат билан идеаллаштирилган кучланиш ва деформация кўрсаткичларини аниқлаш замон талабидир. Кўпгина ривожланган давлатларда грунтларнинг деформация кўрсаткичлари қийматларини тўғридан-тўғри дала ва лаборатория шароитида топиб, олинган натижаларни махсус коэффициентдан фойдаланган ҳолда аниқлаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда кенг миқёсда грунтларнинг асосий механик хоссаларини аниқлашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, грунтларнинг асосий механик кўрсаткичларини аниқлаш учун дала шароитида тўғридан-тўғри олиб борилган тажрибалар заминнинг деформация ва мустаҳкамлик кўрсаткичларини юқори аниқликда ҳисоблашга имкон беради. Бу кўрсаткичлар бино ва иншоотлар асослари лойиҳаларининг деярли барча ҳисоб-китобларида қўлланилмоқда ҳамда ташқи кучлар таъсирида заминларнинг деформацияларини ҳисоблашга қаратилган инженерлик қидирув ишларини олиб боришда қўлланилаётган янги технологияларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда амалиётга жорий этилаётган қурилишларнинг барча соҳаларида (уй-жой қурилиши, саноат, транспорт, гидротехника ва энергетика объектлари қурилишида) инженер-геологик тадқиқотларни олиб бориш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Хусусан, бу ишларни олиб боришда, дала шароитида грунтларнинг механик кўрсаткичларини аниқлашда прессиометрлар кенг қўлланилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, ... тежамкор ва самарали замонавий технологияларни

босқичма-босқич жорий этиш ...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, дала шароитида грунтларнинг асосий деформация кўрсаткичларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги ПФ-5392-сон “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 27 ноябрдаги ПҚ-4035-сон “Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасида ишларни ташкил этишнинг илғор хорижий услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 2 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3646-сон “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари қурилиш индустриясини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари, шу жумладан, 2021-2025 йилларда режалаштирилган қурилиш соҳасида кўзда тутилган ҳамда, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII. “Геология фанлари (геология, геофизика, сейсмология)» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўплаб олимлар жумладан, Ю.Г.Трофименков, Л.Н.Воробков, И.В.Архангельский., Г.Г.Болдырев, Д.В.Арефьев, А.В.Гордеев, Р.С.Зиангиров, Ю.Б.Текучев, М.И.Бронштейн, В.В.Лушников, А.К.Бугров, R.K.Robertson, R.G.Campanella, H.B.Seed, K.Tokimatsu, L.E Harder ва R.M.Chung, A.W.Skemptonлар охириги 50-60 йиллар давомида грунтларнинг деформацион кўрсаткичларини дала шароитида аниқлаш усуллари билан шуғулланиб келмоқдалар. Хусусан, АҚШнинг «Anagnostopulos» синов ва материаллар уюшмасининг олимлари E.Cubrinovski, K.Ishihara ва кўпгина геотехник фирмалар «Қумли грунтлар учун SPT кўрсаткичи» (1999) ва грунтнинг нисбий зичлиги ўртасидаги Эмпирик корреляциясини ҳамда конуснинг пенетрацион синовлари асосида грунт параметрларининг корреляциясини (СРТ) (2003) аниқлашга қаратилган тадқиқотларни ўтказганлар.

Уй-жой қурилиши, саноат, транспорт, гидротехника ва энергетика объектларининг қурилишида инженер-геологик тадқиқотлар олиб боришда грунтларнинг механик хусусиятларини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда бу кўрсаткичлар МДХ да ишлаб турган стандартлар билан бир қаторда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

хорижий, хусусан, Eurocode 7 (EC7 - геотехник лойиха), Japanese geotechnical society standards vol.1, vol.2 (Япон геотехника жамияти) стандартларига мувофиқ, ушбу мамлакатларда геологик муҳитни баҳолашда илғор, замонавий геотехник тадқиқотлар усуллари қўлланилиб келинмоқда. Ривожланган давлатларда қабул қилинган норматив ҳужжатларда янги замонавий усуллар: (Standard Penetration Tests) SPT, (Cone Penetration Tests) CPT турли пенетрацион тестлар (Dinamic Penetration Tests) DPT ва бошқалар кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқда. Бундай замонавий тадқиқот методикаларини қўллаган ҳолда замин грунтларининг механик кўрсаткичлари тўғрисида ишончли маълумот олиш мумкин бўлади, бу эса, 3D компьютер рақамли фазовий инженер-геологик маълумотлар тизимини яратишга имкон беради.

Ўзбекистонда бу соҳада ЎзГАШКЛИТИ (проф. Ю.Д.Магруппов), “ГЕОФУНДАМЕНТПРОЕКТ” МЧЖ (раҳбари т.ф.д., проф. А.З.Хасанов) ва бошқа илмий-тадқиқот корхоналари иш олиб бормоқда. Олимлардан Х.З.Расулов, А.З. Хасанов, А.А.Ишанходжаев, Ю.Частоедов, И.Усмонходжаев, М.М.Хонкелдиев, Ф.А.Икрамов, М.М.Якубов, А.М.Мадатов ва бошқаларнинг шу соҳада эришган натижалари салмоқлидир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг "Дала ва лаборатория шароитида лёссли грунтларнинг қурилиш хусусиятларини ўрганиш" (2015-2020) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади цилиндр шаклидаги қумли грунтнинг ўқ симметрик сиқилиши натижасида унинг деформация кўрсаткичларини аниқлаш; скважина атрофидаги грунтга радиал йўналишдаги тарқалган кучлар таъсирида массивнинг кучланиш ва деформация ҳолатини аниқлаш; грунтларнинг чуқурлик бўйича деформацион кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган янги прессиометр конструкциясини яратиш ва унда олинган натижаларни бошқа алтернатив усуллар ёрдамида олинган натижалар билан таққослаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замин грунтларининг ҳисобий параметрлари аниқлигини оширишга имкон берадиган дала шароитида грунтнинг деформация ва ўта чўкиш кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган ихчам прессиометр қурилмасини ишлаб чиқиш;

қумли цилиндрнинг ўқ симметрик сиқилишида унинг ён томонга босимини ва силжишини аниқлашда модели тажриба ўтказиш ва деформация ҳолатини таҳлил қилиш;

ҳақиқий механик хусусиятларни, хусусан, грунт деформация модулини аниқлаш учун турли усуллардан фойдаланган ҳолда қиёсий тажрибалар ўтказиш;

ўтказилган тажрибалар асосида скважина атрофидаги грунт деформациясининг фаол сиқилиш қатлами, грунтнинг ён томонга босим ва кенгайиш коэффицентини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

янги прессиометр ёрдамида аниқланган кўрсаткичларни бошқа амалдаги мавжуд штамп ва лопасти прессиометр тажриба натижалари билан таққослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида грунтларни деформация кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган қумли прессиометр олинган.

Тадқиқотнинг предмети скважина ичидаги цилиндр кўринишдаги қумли грунт ўқ симметрик сиқилиши натижасида, массивда радиал йўналишдаги КДХ ва унинг атрофидаги грунтларнинг деформацион кўрсаткичларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари грунтлар механикасининг замонавий назарий принциплари ва экспериментал тадқиқот усулларида иборат. Қўйилган масалаларни амалга ошириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилган: экспериментал усуллар ёрдамида грунтларнинг деформацион хусусиятлари ўрганилган; диссертациянинг назарий қисмини яратишда математик моделлаштириш усулидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

скважина атрофидаги табиий структурага эга бўлган грунтларнинг деформация, шу жумладан ўта чўкувчанлик (кўпчувчан) кўрсаткичларини аниқлашга имкон берадиган прессиометрнинг янги конструкцияси яратилган (расмий ахборотнома. №12 29.12.218 IP 2170246);

дала шароитида олинган тажриба натижалари лопасти прессиометр ва штамп тажрибалари билан таққослаш асосида тузатиш коэффицентининг қиймати топилган;

махсус модели тажрибалар ўтказиш асосида, таклиф қилинган прессиометр ёрдамида кенгаётган скважина атрофидаги грунтнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати аниқланган. Радиал йўналишдаги кучланишлар ва силжишлар ночизикли сўнувчан функция кўринишда топилган;

ўтказилган тажрибалар асосида, скважина деворларига радиал кучланишлар таъсирида грунтнинг фаол сиқилиш қатлами br_0 га тенг эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

скважина ичидаги грунтларнинг чуқурлик бўйича деформация кўрсаткичларини аниқлаш усули ва қурилмаси таклиф қилинди;

табиий намланган лойли ва табиий структурага эга бўлган қумли грунтларнинг дала шароитида деформация кўрсаткичларини аниқлаш усули ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги ўтказилган тажрибалар давлат стандартларига мос штамп (ГОСТ 19912-2012) ва лопасти прессиометр (ГОСТ 20276.6-2020) тажрибалар натижаларини таққослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти скважина деворларига радиал йўналиш бўйича тарқалган текис кучлар таъсирида унинг атрофидаги грунтларнинг деформация модули, шу жумладан ўта чўкувчанлик кўрсаткичлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти дала шароитида грунтларнинг деформацион кўрсаткичларини аниқлашга, шу жумладан ўта чўкувчанлик кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган усул ва қурилмани (патентга топширилган IAP 2017 0246) таклиф қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Дала шароитида қумли прессиометр ёрдамида лойли грунтларнинг деформация хусусиятларини аниқлаш усуллари жорий қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

табiiй нам грунтларнинг деформация модулини ва уларнинг сувга тўйинганлик ҳолатини аниқлаш усули “Геофундаментпроект” МЧЖда ишлаб чиқилган конструкция грунтларнинг деформация хусусиятларини аниқлаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 18 мартдаги №09-06/2946-сон маълумотномаси). Натижада, прессиометрнинг таклиф қилинган дизайни ва техникаси намуна олиш, ташиш ва лаборатория синовлари босқичида инженерлик тадқиқотлари харажатларини камайтиради. Бу инженерлик тадқиқотлари учун вақт ва харажатларини тежашга, грунт хусусиятларининг янада ишончли натижаларини олишга, пойдеворлар қурилиши харажатларини камайтиришга ва молиявий ресурсларни 0,2-1% фоизгача тежашга имкон берган;

табiiй нам ва уларнинг сувга тўйинган ҳолатидаги деформация модулини аниқлаш усули “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖда ва “O’zGASHKLITI” DUKда (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 18 мартдаги №09-06/2946-сон маълумотномаси) грунтларнинг деформация хусусиятларини аниқлаш жараёнига жорий этилган. Натижада қум прессиометр инженер тадқиқотлар учун вақт ва харажатларни тежашга имкон беради. Таклиф этилган усул чуқурлик бўйича грунтларнинг деформация кўрсаткичларини аниқлашга имкон беради, бу эса бино ва иншоотлар пойдеворини лойиҳалашда молиявий ресурсларни 2-3% фоизгача тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп қилинган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан, 6 таси республика нашрларида, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Дала шароитида грунтларнинг асосий деформация хусусиятларини аниқлаш усулларининг таҳлили”** деб номланувчи биринчи бобида адабиёт манбалари асосида дала шароитидаги грунтларнинг асосий деформацион кўрсаткичларини аниқлаш усулларига оид умумий маълумотлар келтирилган.

Грунтларни дала шароитида тадқиқот қилиш усуллари аниқланаётган чуқурлигига қараб икки гуруҳга бўлинади: хандаклар тубидан грунт хусусиятларини аниқлаш усуллари ва чуқур жойлашган грунт қатламларини хусусиятларини аниқлаш усуллари. Биринчи гуруҳда штамплар ёрдамида аниқланадиган тажрибалар. Бундай тажрибалар ГОСТ 20276-2012 талабларига мувофиқ амалга оширилади. Грунтларни дала шароитида тадқиқот қилишнинг бошқа барча усуллари, жумладан чуқурликлар бўйича аниқланган усуллар, тузатиш коэффициентидан фойдаланиб, ушбу усул билан таққосланади. Юқлаш платформасига урғу берилган штампларни ўрнатиш усули аниқлик даражаси юқори, лекин бу усул серхаражат ва махсус оғир юқлаш дастгоҳлари талаб этилади.

Штамплар ёрдамида грунтларнинг қуйидаги деформацион кўрсаткичларини аниқлашга имкон беради: грунтларнинг деформация модули E ; лёсс грунтларни ўта чўкувчанлик характеристикалари шу жумладан бошланғич ўта чўкиш босим P_{sl} , нисбий ўта чўкувчанлик ϵ_{sl} . Штамп тажрибаларини замин чуқурлиги бўйича олиб бориш чекланганлиги сабабли скважиналарда прессиометрнинг ҳар хил усуллари қўлланилади. Мавжуд прессиометрларнинг бир неча турлари 1-расмда келтирилган.

Амалиётда ишлатиладиган прессиометрлар грунтга таъсир қилишининг усулига қараб турли хил кўринишларга эга. Қуйида ушбу мосламаларнинг баъзилари билан танишиб чиқамиз.

Прессиометрлар ўзи бурғулайдиган, конуссимон, лопасти ва радиал эластик мембранали Минард турларга бўлинади. Прессиометрнинг барча турлари ГОСТ 20276-2012 талабларига ва тегишли халқаро меъёрий стандартларга мувофиқ қурилмаларнинг техник маълумотлар жадвали талабларига асосан амалга оширилади.

Дунёда ҳар хил қурилмали прессиометрлар ишлаб чиқилган, улардан энг кўп ишлатиладиганлари мембранали Минард таклиф қилган прессиометридир. Мембранали радиал прессиометр диаметри 32-115 ммгача бўлган цилиндр шаклида бўлади. Зондлаш скважина ичида амалга оширилади. Пневматик ва гидравлик усил билан узатиладиган радиал кучланишлар ва скважиналар ён сирти девори силжишларининг ўлчаш асбоблари ер юзасида жойлаштирилади. Скважина деворининг радиал силжиши тензометрик йўл билан ҳам аниқланиши мумкин. Баъзи грунтларда скважина қазишда табиий структураси бузилади, шунинг учун бундай шароитларда ўзи бурғилайдиган прессиометрлар ишлатилади. Ўзи бурғилайдиган прессиометр ёрдамида скважина қазишда унинг атрофидаги грунтнинг структураси бузилмаган деб ҳисоблашадилар.

Лопастли прессиометрлар тузилиши механик йўл билан ҳаракатланадиган штампилар усуллар тоифасига киради. Ушбу усулга мувофиқ, иккита қарама-қарши жойлаштирилган штампилар скважина деворларида радиал йўналишда ҳаракатланади. Лопастли прессиометрга юк поғонама-поғона ўзатилади. Ҳар бир поғона юк қуйилганидан кейин деформациялар стабиллашгунча кутилади. Ушбу усул МДХ мамлакатларининг геологик қидирув корхоналарида кенг қўлланилади.

Пенетрация зондлаш асбоб учи конуссимон шаклда ёки бошқа масалан қалин белкурак кўринишда бўлади. Грунтларнинг сиқилиши, силжиши, қаршилиқ кучлари ва сув босимини тензометрик ёки бошқа электрон сенсорлар ёрдамида аниқланади. Зондлар бурғулаш асбобига ўрнатилади ва доимий тезликда ярим қаттиқ-оқувчан ҳолатдаги грунтларга ҳам киргизилади. Баъзан бу усул кинематик деб ҳам аталади. Дала шароитида пенетрация усулларнинг бир неча турлари қўлланилади. Улар статик СРТ (Cone Penetration Tests) ва динамик SPT (Standard Penetration Tests) зондлаш усулларга бўлиш мумкин.

Юқорида келтирилган усуллар универсал бўлишига қарамай, улардан айрим ҳолатларда, хусусан, ўта чўқувчан грунтларда фойдаланиш имконига эга эмас. Чунки, улар жойлашган чуқурликларда грунтни сувга тўйинтириш мумкин бўлмай қолади. Масалан, грунтни намлаш жараёнида турғунлигининг юқолиши сабабли лопастной прессиометрлар нотўғри натижалар беради. Статик СРТ ва динамик SPT зондлаш усулларга грунтларнинг ўта чўқувчанлик хусусиятини аниқлаш учун умуман кўзда тутилмаган. Шу сабабли диссертацияга қуйилган мақсад прессиометрнинг янги дизайнини ишлаб чиқиш, ҳамда экспериментал методологиясини ишлаб чиқиш ва скважина атрофидаги грунтларнинг кучланиш ва деформация ҳолатининг радиал кучланиш таъсиридаги назарий ечимларини олиш мақсад қилиб қуйилган.

Диссертациянинг **“Дала ва лаборатория шароитида грунтларнинг деформацион кўрсаткичларини аниқлаш тадқиқот натижалари”** деб номланувчи иккинчи бобида мавжуд бўлган прессиометрларнинг иқтисодий жихатдан тан нархининг юқорилиги ва Ўзбекистон геологик тузилишида лёссимон грунтларнинг кенг тарқалганлигини ҳисобга олган ҳолда, ОО

“Геофундаментпроект” билан ҳамкорликда лёссимон грунтларнинг деформацион ва ўта чўкувчанлик кўрсаткичларини аниқлаш учун прессиометрнинг янги конструкцияси яратилди ва патентланди. Диссертация мақсади янги қумли прессиометр конструкциясини махсус тажриба лотокда ва дала шароитида ишлаш принципини ўрганиш ва ушбу натижаларини маълум стандартга жавоб берадиган усуллар билан таққослаш мақсад қилиб қуйилган. Муаллиф томонидан таклиф қилинган прессиометрнинг конструкцияси скважина ичидаги майда заррали қум цилиндрнинг ўқ симетрик сиқилишига асосланган (2-расм).

Скважина ичида шаклланган қумли цилиндр томонларининг нисбати d/h $76/150=1/2$ қилиб қабул қилинган. Қумли цилиндр сув сатҳидан юқори ҳолларда скважина тубига тўкилиб шакллантирилади (2-расм). Қум скважина тубига ўрнатилган вертикал стержен (5) билан боғланган штамп (3) юзасига солинади. Қумли цилиндрнинг устки қисмига, қалин деворли трубадан ясалган ичи бўш штанга учига урнатилган штамп (4) зич қилиб ўрнатилади. Таянч стержен (5) штанганинг ичида эркин харакатланади. Қум цилиндрга вертикал босим пастки ва юқори штампларнинг қарама-қарши сиқилиши орқали узатилади.

Қумли цилиндрни ён томонга босимини ошириш мақсадида штамплар конус кўринишда ясалган. Грунтларнинг деформацион кўрсаткичларини аниқлаш учун таклиф қилинган усул қуйидагича. Тадқиқот объектида скважина қўл мотобури ёрдамида диаметри 71 мм ва чуқурлиги 1.5-6 м гача бурғуланади. Скважинанинг аниқ белгиланган диаметрини чиқариш учун, диаметри 76 мм бўлган учи ўткир бўлган труба аниқланадиган чуқурликгача туширилади. Стерженга ўрнатилган диаметри 76 мм бўлган остки штамп скважинага туширилади. Штамп марказидан стержен винт ёрдамида уланган. Вертикал стержен 80 см узунликдаги қисмдан иборат бўлиб, керак бўлганда винт ёрдамида узайтирилади. Скважинага ўлчанган миқдорда қум қуйилади, у диаметри 76 мм ва баландлиги 15-20 см бўлган цилиндрни ҳосил қилади. Стержен устидан қалин деворли труба киргизилади, у резбали улагич ёрдамида узайтирилади. Бу тажриба ишларини бажариш учун ҳам, скважинага ўлчанган қумни тўлдириш учун ҳам хизмат қилади. Пастки штамп диаметри 76 мм, қалинлиги 4 мм қилиб ясалган. Қумли цилиндрга юклаш ричагига осилган сим паллага массаси аниқ бўлган тошлар юкланади. Қурилмада тажриба ўтказиш учун ричагли мосламага белгиланган тартиб ва миқдорда юк қуйилади. Ричагли мосламанинг елкалар нисбати $n=1:10$ тенг. Штампларнинг вертикал сиқилишини Максимовнинг 0,1 мм аниқликгача ўлчайдиган ўлчаш асбоби билан ўлчанади. Скважина деворидаги радиал кучланиш ва деформациялар аналитик ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Бу математик тенгламалар ечими 3 бобда келтирилган.

Скважина ичидаги қум цилиндрнинг ишлашини ва унинг атрофидаги кучланиш ва деформация ҳолатини аниқлаш бўйича махсус экспериментал

ускунадаги тажриба. Ўқ симметрик сиқилган цилиндр ва уни атрофидаги грунтнинг кучланганлик ҳолатини аниқлаш учун биз лаборатория шароитда махсус қурилма орқали тажрибалар ўтказдик. Тажрибанинг асосий мақсади қум прессиометрнинг ишчи қисми грунтнинг цилиндр шаклида вертикал ва горизонтал силжишларини ўрганишдир. Прессиометрнинг ишчи қисми майда заррачалик қум олинган. Қуйида тажриба натижалари келтирилган.

Моделли лотокда ўтказилган тажрибалар натижалари. Тажрибалар икки этапда амалга оширилган. т.ф.н. доцент М.М. Хонкелдиев томонларидан яратилган лотокни модернизация қилиб, тадқиқотлар олиб борилди. Лотокнинг томонлари $A \times B \times H = 45 \times 45 \times 30$ см туртбурчак шаклда бўлиб, юқори қисмида рама билан юклаш мосламаси қуйилган. Махсус қурилма штамп ва прессиометрнинг ҳар хил методикалар билан тажрибалар ўтказишга мўлжалланган. Қурилманинг умумий кўриниши 3-расмда кўрсатилган. Вертикал ва горизонтал силжишларни ўлчаш учун лоток тубидан ($h_I = 10$ мм, $h_{II} = 37$ мм, $h_{III} = 69$ мм, $h_{IV} = 102$ мм, $h_V = 132$ мм) махсус таянч нуқталар (маячки) ўрнатилди ва 0.01мм аниқлик билан ўлчанди (3-расм).

Биринчи ҳолда тажрибалар доира кўринишдаги штамплар билан амалга оширилди. Бу ҳолда штамп диаметри 15.14 смга тенг. Тажрибалар натижасида грунт вертикал деформациялари ва босим ўртасидаги қонуният олинган. Штампли тажрибалар Шлейхер ифодасига мувофиқ грунт деформация модули аниқланган (Расм-3 а).

$$E = (1 - \nu^2) K_p K_1 D \frac{\Delta P}{\Delta S} \quad (1)$$

Иккинчи турдаги тажрибалар цилиндр кўринишдаги қумли прессиометр билан ўтказилди (Расм-3 б). Тажриба натижалари 1-жадвалда келтирилган ва график кўриниши 4-5-расмларда келтирилган.

№1-жадвал. Вертикал ва горизонтал сиқилиш тажриба натижалари.

Штампнинг вертикал сиқилиши, мм				Ён томон (горизонтал) сиқилиши мм. Пастдан -10, 37, 69, 102, 132мм масофалар.				
N, кг	A	P	S _ш	h-10	h-3,7	h-6,9	h-10,2	h-13,2
0	43,07	0	0	0	0	0	0	0
19	43,07	0,44	5	0,015	0,025	0,115	0,195	0,35
29	43,07	0,67	16	0,015	0,04	0,185	0,255	0,41
39	43,07	0,90	30	0,03	0,29	0,445	0,615	0,675
49	43,07	1,14	71	0,06	0,38	0,935	1,155	0,99
59	43,07	1,37	119	0,11	0,785	1,565	1,775	1,235
69	43,07	1,60	181	0,14	1,365	2,415	2,515	1,365
79	43,07	1,83	284	0,155	2,43	4,045	3,8	2,35
89	43,07	2,06	410	0,155	3,9	6,93	5,375	2,38

Ўқ симетрик кучланишлар ва уларнинг радиал юналишда силжишлар ўртасидаги математик боғлиқликлар 4-расмда график кўринишида келтирилган.

Ўқ симетрик юклаш пайтида цилиндрнинг марказий қисми унинг чет қисмларига қараганда кўпроқ кенгайиши кўзатилади. Уч ўқ бўйича сиқилиш стабиллометрик тажриба ўтказишда ҳам худди шундай ҳолат кўзатилади. Ўқ

симетрик босим ва ёнга кенгайиш деформация $\varepsilon_{2=3} = f(\sigma_1)$ турли нуқталар учун ўзаро боғлиқлик графиги 5-расмда келтирилган.

Графикдан кўриниб турибдики, вертикал ва ён томон юналишдаги цилиндр сиртини силжиши чизиксиз. Лекин уни амалий масалалар ечиш доирасида чизикли деб қабул қиламиз, бу эса грунт деформация модулини аналитик аниқлашга имкон беради.

$$E = n[1 - 2\xi\mu] \frac{\sigma_1}{\varepsilon_1} = nk \frac{\sigma_1}{\varepsilon_1} = nkh \frac{\sigma_1}{s_1} \quad (2)$$

Ўтказилган икки тажриба натижаларини таққослаш: Штамп ёрдамида олинган деформация модули $E = 360$ кПа га тенг ва кумли прессиометр орқали олинган деформация модули $E = 53$ кПага тенг. Бундан тузатиш коэффициентини аниқлаймиз.

$$n = \frac{E_{sh}}{E_{pr}} = \frac{360}{53} = 7 \quad (3)$$

Дала геологик шароитларда кум прессиометрни экспериментал тадқиқот қилиш ва уларни штамп ва бошқа усуллар натижалари билан таққослаш. Қурилаётган бино ва иншоотларнинг ишончлилиги кўп жиҳатдан грунтнинг асосий деформацияси ва мустаҳкамлик кўрсаткичларини сифатли аниқлашга боғлиқ. Заминни ҳисоб йўли билан аниқланадиган кўрсаткичлари, аниқ топилган деформацион кўрсаткичларга боғлиқ. Ҳозирги кунда жаҳон геотехника амалиётида ушбу кўрсаткичларни ҳар томонлама аниқлаш тенденцияси сақланиб қолмоқда, улар замин грунтларини тўғридан-тўғри дала шароитида аниқлаш усулларини афзал кўришмоқда. Булар штамп ва прессиометрли усуллар, шунингдек грунтларни статик ва динамик зондлаш билан аниқлаш усулларини ўз ичига олади. Дастлабки иккита усул асосан грунтнинг мустаҳкамлигини аниқлаш натижаларини замин чуқурлиги бўйича статик (пенетрометр) ва динамик зондлаш усуллари билан таққослаш учун ишлатилади. Маълумки, охириги иккита усул грунтларнинг 20 мдан ортиқ чуқурликда синаш ва аниқлашга имкон беради. Ушбу натижалар қозик пойдеворларни лойиҳалашда ёки пойдевор чуқурлигини жойлаштиришда зарурдир. Аммо, замин деформацияларини ҳисоблашда, ҳали ҳам штамп ва прессиометр усулари ёрдамида аниқланадиган деформация модули каби классик параметрлар устунлик қилади. Грунтларни штамп ёрдамида тажриба ўтказиш учун махсус анкерлар ва рамали йирик ускуналар, домкратлар, динамометрлар ва бошқа ўлчаш асбоблари керак бўлади. Штамп усуллари асосан хандакларнинг тубидан амалга оширилади. Бундан фарқли уларок, прессиометр усуллари нисбатан ихчам ускуналарда амалга оширилади ва энг муҳими, заминнинг турли чуқурликларида аниқлашга имкон беради. Аниқлик нуқтаи назардан прессиометр усулларига қараганда, штампли усуллар фақат хандаклар юзаси бўйича тажриба ўтказишда қул келади. Бу тажрибаларни ўтказишда ва унга боғлиқ кўрсаткичларни аниқлашда ГОСТ 20276-2012 талаблари асосида бажарилади.

Турли тажрибаларни ўтказиш ва натижаларини таққослаш мақсадида дала шароитида грунтларнинг штамп усули, чуқурлик бўйича прессиометр ва динамик зондлаш усуллари натижасида олинган деформацияланиш

кўрсаткичларини таққослаш эди. Таққослаш классик штамп ва прессиометрлар ёрдамида амалга оширилди.

Радиал прессиометрларга хос бўлган радиал кучланиш ва деформацияларни математик равишда боғлайдиган асосий тенгламаларни кўриб чиқамиз. Цилиндрсимон координаталар тизимида юқоридаги назарий ечимларни ҳисобга олган ҳолда, ифодалар қуйидаги шаклга эга бўлади.

$$\varepsilon_x = \frac{\Delta r}{r_0} = \mu \varepsilon_z = \mu \frac{\Delta S}{h_0} \quad (4)$$

бунда,
$$\Delta r = \mu r_0 \frac{\Delta S}{h_0} \quad (5)$$

$$\sigma_3 = \xi \sigma_1 \quad (6)$$

Ўрта ва майда заррачалик кумлар учун, ён томон босими ξ ва ён томонга кенгайиш коэффициентлари μ , лаборатория шароитида уч ўқ бўйича сиқилиши асбоби-стабилометрда натижалар аниқланди. Ушбу ифодада ΔS_z -цилиндрнинг вертикал сиқилиши натижасидаги деформацияси мм да, $\sigma_1 = \frac{N}{A}$ вертикал кучланиш кПа; N вертикал куч, A штамп юзаси см².

Радиал прессиометрлар учун грунтнинг деформация модули $\Delta r = f(p)$ чизиқли худуди учун қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$E = K_r r_0 \frac{\Delta p}{\Delta r}, \quad (7)$$

бу ерда, K_r -тузатиш коэффициентини;

r_0 -скважинанинг дастлабки радиуси, см;

Δp -скважина деворига узатилаётган босим, МПа;

Δr -скважина деворининг силжиши (радиус бўйлаб) см.

K_r - тузатиш коэффициентининг физик моҳиятини III-бобда муҳокама қилинади. Мисол тариқасида, босимнинг ошиши дастлабки босим $P > P_g$ табиий босимдан ошганда аниқланади. Грунтларнинг маълум бир тури учун K_r - коэффициент қиймати қиёсий штамп ва прессиометрик усуллар ёрдамида аниқланади. Бундай имкониятлар бўлмаса, ГОСТ 20276-2012 талабларига мувофиқ аниқланади. Хусусан, бизнинг тадқиқотларимизга кўра K_r - коэффициентини лойли грунтлар учун 6 м чуқурликдаги скважина учун $I_L < 0.25 K_r = 2$, $I_L > 0.5 K_r = (3 - 4)$ ни ташкил қилади.

Таклиф қилинаётган прессиометр учун деформация модули қуйидаги ифода билан аниқланади.

$$\varepsilon_x = \frac{\Delta r}{r_0} = \frac{\sigma_x}{E} - \frac{\mu}{E} (\sigma_y + \sigma_z) \quad (8)$$

$$\varepsilon_x = \frac{\Delta r}{r_0} = \frac{1-\mu}{E} \sigma_{x=y} - \frac{\mu}{E} \sigma_z = \frac{\sigma_z}{E} [(1-\mu)\xi - \mu] \quad (9)$$

$$E = \frac{r_0 \sigma_z}{\Delta r} [(1-\mu)\xi - \mu] \quad (10)$$

$$\Delta r = \mu r_0 \frac{\Delta S}{h_0}$$

(5) ва (10) ни ҳисобга олган ҳолда биз қуйидаги шаклда ёзамиз:

$$E = \frac{r_0 \sigma_z}{\mu r_0 \frac{\Delta S}{h_0}} [(1-\mu)\xi - \mu] = \frac{h_0 \sigma_z}{\Delta S} \left[\left(\frac{1}{\mu} - 1 \right) \xi - 1 \right] = K_r^S \frac{h_0 \sigma_z}{\Delta S} \quad (11)$$

K_r^S -тузатиш коэффициентини амалий муаммоларни ечиш учун K_r^S -коэффициент илмий изланишлар натижасига кўра тавсия этилган.

Тажрибани ўтказишдан олдин, қурилманинг ишчи қисми, яъни қумли цилиндрнинг сиқилиши билан боғлиқ хатони аниқлаш талаб этилади. Бунинг учун диаметри 76 мм бўлган метал қувур ишлатилди. Ушбу компрессион тажрибалар шароитда ишчи орган қумнинг сиқилиши S_z ва вертикал босим P орасидаги сиқилиш қонунияти аниқланади (6-расм).

Босим остидаги қум цилиндрнинг сиқилиш хатолиги қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобга олинади.

$$\Delta S = (S_2 - S_{t2}) - (S_1 - S_{t1}) \quad (12)$$

Бу ерда, $S_2, S_1 - P_2, P_1$ босимга мос келадиган скважина ичидаги қум цилиндрнинг вертикал чўкиши; S_{t2}, S_{t1} - хатоликни ҳисобга олувчи силжишлар қиймати.

Қум прессиометр ёрдамида грунтларнинг деформация хусусиятларини дала шароитида экспериментал тадқиқотлар натижалари. Тадқиқотлар Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва Қарши шаҳарларида олиб борилди. Масалан, Тошкент шаҳар офис биносининг қурилиш майдонида олиб борилди. Қурилиш майдонидаги лессимон грунтларнинг асосий физик хусусиятлари: грунтнинг табиий намлиги $W=(18,5-20,2)\%$, зичлиги $\rho = 18,5$, $\rho_d = 15,3$ кН/м³, ғоввалик коэффиценти $e= 0,7$ ва грунтнинг пластиклик сони $I_p = 8,1$ га тенг. Дастлабки натижалар табиий нам ҳолдаги грунтларда ўтказилди, керакли натижаларга эришилгандан сўнг, скважина сув билан тулдирилди. Тажриба натижалари σ_z кучланиш ва деформация орасидаги боғланиш графиги 7-расмда келтирилган. Лессимон грунтларнинг табиий намлиги ҳамда сувга тўйинган ҳолатдаги деформация модули (11) орқали аниқланди: $E_w = 17,2$ мПа ва $E_{sat} = 8,4$ мПа га тенг.

Грунт сиқилиши бўйича ўзгарувчанлик коэффиценти

$$\frac{E}{E_{sat}} = \frac{17,2}{8,4} = 2 \quad (13)$$

Грунтнинг ўта чўкувчанликни ҳисобга олувчи деформация модулини аниқлаймиз

$$E^1 = \frac{E \cdot E_{sat}}{E - E_{sat}} = 16.6 \text{ мПа} \quad (14)$$

E^1 -грунтнинг келтирилган деформация модули. Нисбий ўта чўкиш қиймати қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$\varepsilon_{sl} = \beta * \xi \frac{P_z}{E^1} = 0.8 * 0.27 \frac{654}{16600} = 0.0085$$

Хандакларда грунтларнинг текшириш жараёни 8-расмда келтирилган.

Самарқанд шаҳар А.Темур кўчасида жойлашган турар-жой комплексининг қурилиш майдончаси келтирилган. Тадқиқотнинг асосий мақсади, дала шароитида олинган грунтларнинг деформацион кўрсаткичларини қумли прессиометр ва бошқа йўллар билан аниқланган кўрсаткичларини таққослашдан иборат. Тажрибалар лессимон грунтларда ўтказилди.

Штамп ёрдамида олинган тажрибалар натижалари. Фойдаланилган штамп диаметри 28.5 см ва юзаси $A=624,3$ см². Максимал босими 75 кН бўлган

гидравлик домкрат юзаси $A=156 \text{ см}^2$. Гидравлик насос ёрдамида босим ўзатилди. Суюклик босими 10 мПа гача бўлган босим ўлчагич билан ўлчанди. Штамп остидаги ўртача босим қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\sigma_1 = \sigma_2 \frac{A_2}{A_1} \quad (15)$$

Бу ерда σ_1, σ_2 - мос равишда штамп остидаги босим ва индикатор кўрсаткичлари. A_1, A_2 -штамп ва домкрат юзаси. Штампнинг чўкиши Максимовнинг аниқлиги 0,1 ммгача бўлган индикатори ёрдамида ўлчанди.

Тажриба сўнгида замин сувга тўйинтирилди. Тажриба натижаларига кўра, грунтнинг табиий намлик ва сувга тўйинган ҳолатдаги деформация модуллари $E=43$ ва $E_{sat}=24$ мПа га тенг эканлиги аниқланди (Расм-9).

Лопастной прессиометр ёрдамида олинган тажриба натижалари. Прессиометр ускунаси ГОСТ 20276-2012 талабларига асосан ўтказилди. Тажриба учун қуйидагилар ишлатилган: ишчи қисми, юклагич ускунаси, прогибомер ва ўлчов тошлари, ташқи труба ва ички стержен.

